

Рамазоннинг 41 фазилати (ўн биринчи мақола)



16:00 / 05.05.2020 1257

25. Ифторлик пайтидаги дуонинг қабул бўлиши ҳам Рамазоннинг фазилатидандир.

Ибн Можа Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч киши бор, уларнинг дуолари қайтарилмайди: одил раҳбар, рўзадор ифтор қилгунича ва мазлумнинг дуоси»**, деганлар.

26. Саҳарликнинг фазилати.

Имом Муслим Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Саҳарлик қилинглр, чунки саҳарликда барака бор»**, деганлар».

Имом Табароний Абу Саъид Ҳудрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Саҳарлик тўла баракадир. Бир ҳўплам сув билан бўлса ҳам, уни тарк этманглр. Чунки Аллоҳ ва У Зотнинг фаришталари саҳархўрларга салавот айтади»**, деганлар.

Имом Абу Довуд Амр ибн Ос розияллоху анхумодан ривоят қилади:

«Расулulloх соллalloху алайҳи васаллам: **«Бизнинг рўзамиз билан аҳли китоблар рўзаси ўртасидаги фарқ - саҳарлик ейишдир»**, дедилар».

27. Қадр кечасининг фазилати. Бутун инсониятнинг йиллик тақдири қайд қилинадиган, энг юксак қадрли кеча – Қадр кечаси ҳам айнан Рамазон ойига яширилган. Бу кечанинг қанчалар улуғлигини англашга қуйидаги оятларни тадаббур қилиш кифоя:

«Албатта, Биз У (Қуръон) ни Қадр кечасида туширдик. Қадр кечаси нима эканини сенга нима билдирди? Қадр кечаси минг ойдин яхшироқдир. Унда фаришталар ва Рух Роббилари изни билан барча ишлар учун тушадир. У то тонг отгунча салом бўлиб турадир». (Қадр сураси, 1-5-оятлар).

Имом Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда: **«Ким Қадр кечасини ибодат билан ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинади»**, дейилган.

Айрим саҳоба ва тобеинлар Қадр кечасини топиш ва улуғлаш мақсадида Рамазонинг охириги ўн кечасида ғусл қилиб, ўзларига хушбўйликлар суртишни мустаҳаб санашар экан.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид